

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон болалари ва ўсмирларининг газетаси

Газета 1929 йил 1 августдан чиқа бошлаган

№ 90 (6832)
1997 йил, 19 ноябрь, чоршанба

Сотувда эркин
нарҳда

ҲАФТАНИНГ ЕТТИ КУНИ ЮРТБОШИМИЗ ТУРКИЯДА

Туркия Республикаси президенти Сулаймон Демирэлнинг таклифига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 17—19 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Туркия Республикасида бўлади. Маълумки, Туркия Ўзбекистон мустақиллигини тан олган давлатлардандир. Утган олти йил ичида халқларимиз бир-бирини яқиндан таниди. Турли соҳаларда дустона ва амалий муносабатлар урнатди. Юртбошимизнинг бу галги ташрифи ҳам хайрли ишлар бошланишига замин яратиши шубҳасиз.

ДЎСТ БИЛАН ОБОД УЙИНГ

Утган кунни Ўзбекистонда Украина маданияти кунлари бошланди. Деярли бир ҳафта мобайнида Украинадан келган меҳмонлар республикамизнинг ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини ўз кузлари билан қуриб, мустақиллик ўзбек халқига ўзликни қайтариб берганини, ҳар бир соҳада рўй бераётган ютуқ ва юксалишларнинг гувоҳи бўладилар. Байрам кунлари меҳмонлар Сирдарё, Тошкент, Самарқанд ва яна бир қатор вилоятларга ташриф буюриб, меҳнаткашлар билан учрашадилар.



МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ ҚАЙТА ТУЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кура Ўзбекистоннинг илмий салоҳиятини юксалтириш, унинг жаҳон илмий ҳамжамиятидаги ўрнини мустаҳкамлаш, минтақаларда фанни янада ривожлантириш ҳамда истеъдодли ва фидойи олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қадимда фан, маърифат ва маданият оламининг маркази ҳисобланган, одамзот тарихидаги илк академиялардан бўлмиш Хоразм Маъмун Академияси қайтадан ташкил этиладиган бўлди.



СОҒЛОМ МАНДА
СОҒ АҚЛ



Бонг урамиз

ЖИЗЗАХДА ХОТИРЖАМЛИК

Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси раҳбарлари диққатига

Жиззах вилоятига шу йилнинг бошида 1300 нусхада «Тонг юлдузи» келган бўлса, бу кўрсаткич бугунга келиб 628 тага тушиб қолди. Вилоят почта қорхонаси бўлим бошлиғи Абдулла ака Асатуллаев ҳамда почта бўлими обуна қилиш муҳандиси Евгения Мамадиеваларнинг бизга маълум қилишларича, шу фактнинг узиёқ вилоятда утган йилги обуна мавсуми пала-партиш, масъулиятсизларча, мавсумбозлик билан қилиш билан утганлигидан далолат бериб турибди. Ҳатто вилоят халқ таълими бошқармаси маъмурияти ҳам утган йили «Тонг юлдузи»га обуна бўлмасдан қолганини нима билан изоҳлаш мумкин?

Вилоят халқ таълими бошқармасидаги айрим мутасадди уртоқлар таъкидлашганидек, «утган ишга саловот», дейлик-да, келгуси йил учун вилоятда обуна қандай ташкил этилганлигини таҳлил этишга уриниб қурайлик.

Вилоят почта қорхонаси мутасаддиларининг бизга берган маълумотида кура, ҳозиргача вилоят бўйича «Тонг юлдузи»га фақат яқка тартибда 264 та обуна қабул қилинган. Зарбод, Зомин, Зафаробод, Пахтақор туманларидан бошқа бирор туман ва шаҳарда обунага киришилмаган.

Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Гуландом Субҳонова ҳузурда бўлганимизда обуна бўйича жуда қўллаб-режалар тadbирлар тузилганлигини эшитиб, рости, бир қоп семирғандек бўл-

дик. Лекин минг афсуски, амалдаги ишлар кулами жуда оз. Вилоятда бюджет ҳисобидан бирор нусха обуна қилинмаган. Жиззахда 500 та умумтаълим мактаблари бўлиб, уларда 20 минг 998 нафар бола 10 минг 260 та синфда ўқишади. Бундан қуриб турибдики, вилоятда болалар ва ўсмирларнинг сеvimли газетаси — «Тонг юлдузи»ни олиб ўқишларига имкониятлар катта.

Биргина Бахмал туманида 64 та мактаб бор. Ана шу мактабларда 1271 та синфда 24 минг 618 нафар ўқувчи таҳсил олади. Айтишларича, мазкур туманда барча мактабларга етарлича экин майдонлари ерданчи хужалик юритиш учун ажратиб берилган. Қўшгина мактабларда ана шу ажратилган майдонларда теракзорлар барпо этишиб, йил сайин мумайгина даромад олишяпти. Минг афсуски, ҳозиргача бу тумандаги мактабларда бирор нусха ҳам обуна қилинмаган. Шунингдек, Ғаллаорол, Фориш каби йирик туманларда ҳам ҳалигача обуна бошланмаган.

Бир суз билан айтганда, Жиззах вилоят халқ таълими бошқармасида обуна бўйича хотиржамлик ҳукм сурмоқда. Бу борада бошқарма раҳбарларининг ташкилотчилиги сезилмаяпти. Агар бу муҳим ишда тезда унганлиш қилинмас экан, келгуси йилда вилоят болалари «Тонг юлдузи» ололмай, «аттанг», деб қолишлари тайин.


Абдуманноп АЗИМОВ,
махсус мухбиримиз

Ҳошимжон «Сариқ девни миниб» дунё кезади

Бу йил кузги таътил даврида менинг ҳаётимда ажойиб ва унутилмас воқеа рўй берди. Тасодифан қўлимга Худойберди Тухтабоевнинг «Сариқ девни миниб» романи тушиб қолди. Сирасини айтганда, шу пайтгача ҳеч қайси китобни бунчалар берилиб, мароқ билан ўқиб чиқмаган эдим. Китоб мутолаасини тугатганимдан сунг, негадир шу пайтгача ўқиган китобларим зериқарли ва жуи туюлди. Тугри, эртақ китоблари мени сеҳрли олам бўлмиш китоб дунёсига олиб кирди. Эртақ ва афсоналар подшоҳлар ва шаҳзодалар ҳаётини акс эттириб, қўшгина куз қуриб, қўлоқ эшитмаган девлар ва ялмоғиз кампирлар фаолияти билан боғланиб кетади.

«Сариқ девни миниб» романининг қаҳрамони Ҳошимжон эса худди бизга ухшаб ўқувчи бўлиб, унинг ҳаёти, мактабда ўқиши, туполонлари, акс эттирилган воқеалар билан давом этади.

Ҳошимжон ёмон бола эмаслигини ҳақиқатан ҳам ўзи тан олади. Роман қаҳрамонининг ўқиши, ҳаёти, уй ишлари ва



ҳатто мен билан тенгдошлиги туфайли китобнинг биринчи саҳифасиданоқ жуда катта қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ҳошимжон ўзи яхши бола бўлишига қарамасдан бироз дангасалиги, мактанчоқлиги ва айрим ҳолларда салгина ёлгончилиги бор. Барибир Ҳошимжон уртоғимнинг омади келган-да, Харобазорга бир борди-ю, сеҳрли қалпоқча топиб олди. Энди унинг ишлари «беш». Нима истаса, муҳайе. Хоҳлаган ишини қила олади, хоҳлаган ерига бораолади. Ва, шу оламшумул сеҳрли қалпоқчаси билан у улгайиб милиционер бўлгач, каттакон жиноятчилар тудасини қаҳрамонларча фойда этади. Ана шунанга ва бундан-да ажойиб воқеалар билан китоб сизни узиға жалб қилгандан қилаверади.

Мен Худойберди Тухтабоевнинг жудаям қизиқарли романи «Сариқ девни миниб» китобига атабган ушбу муъжаз бахшидамни сизларни ҳам шу китобни ўқишга чақириб мақсадида ёздим. Лекин муаллиф бу асарини биз болаларнинг ҳаётига нақадар яқин ва уринли езгани учун у дунёдаги 25 тилга таржима қилиниб, уч миллион нусхада босилган экан. Россия, Украина ва Ғарбдаги энг ривожланган давлатлардан бири Германияда 500 минг нусхада чоп этилгани бу китобга қизиқишнинг катталигидан далолат беради. Яқинда мен бир газетадан Худойберди Тухтабоевга ажойиб асарлари учун «Ўзбекистон халқ езувчиси» унвони берилганини ўқиб қолдим. Ва жуда хурсанд бўлдим. Мен шу фурсатдан фойдаланиб, ҳамма тенгдошларимга ушбу китобни ўқишни тавсия қиламан. Сиз ундан жуда катта таассурот олишингизга, дунёқарашигининг бойитишига шубҳам йўқ.

Дилдора АЗЛАРОВА,
169-ўрта мактабнинг
5-синф ўқувчиси

Акс-садо

Мен бу йил Узбек — турк (мехмонхона ва туризм хизмати) лицейида уқийман. Лицейда уқиш, тафаккурни кенгайтиришни тақозо қилар экан. Шунинг учун газета ва журналларни доимий кузатиб бораман. Айти пайтда «Тонг юлдузи» газетасининг ҳар бир сонини қолдирмай уқийман. Газета саҳифаларида берилган «Бозор болалари» номли мақола мени жуда таъсирлантирди. Дарслардан қолиб бозорларда майда-чуйла нарса-

термосларга чой дамлаб, бозор айланаиб, юраимиз.

Эзги зазирамада қулимиз-қулимизга тегмай, иссиқ ва яхна чой сотиб анча пул туплардик. Бир кунлик савдомизни кечки пайт тенг булишиб олардик. Албатта, сарф-харажат ва дастмоядан ташқари. Бу ишимга онам аввалдига қаршилик билдирдилар. Отам эса «Қуявер, бекор юргандан кура, пул топиш машаққатини шу пайтдан ургансин», — дедилар.



лар билан олди-сотди қилаётган тенгдошларимни асло оқламоқчи эмасман. Аксинча, улар дарслардан буш пайтларида фойдали иш билан шуғулланишса, айти муддао бўларди. Мақолада сув, чой сотаётган болалар ҳақида ҳам фикр билдирилган. Кези келганда шуни айтишим кераки, мен ҳам бозорда чой сотганман. Хуш, бунинг нимаси айб? Қолаверса, бу ишнинг ҳам узига яраша машаққати бор. Эзги таътилда буш юрмаслик учун (биз шаҳарда турамиз), синфимиздаги туртга оғайниларим билан келишиб олиб, бозорда чой дамлаб сотадиган бўлдик. Эрта саҳардаб, навбатма-навбат катта самоварда сув қайнатамиз ва

Бозорлигимдан ҳар кун рузгор учун сабзи, пиёз, картошка, нон олиб келиб турдим. Маълум пул жамғариб, узимга энгил-бош ва ўқув куроллари сотиб олдим. Топган пулимдан онамга, опаларимга ҳатто жияним Олимжонга ҳам совға олиб бердим. Энди эса уқиш бошланиб, уқишдан бушамай қолдим. Ишнинг катта-кичиги бўлмайди — бари — меҳнат. Меҳнат билан пишган ош эса жуда ширин булади. Уз меҳнатим билан топган даромадим менга ва оиламга асқотганидан жуда хурсандман.

Қахрамон ОРИПОВ,
Узбек—турк лицейи
ўқувчиси



XXI АСР ОБ-ҲАВОСИ

Кунлар совиб, ҳавода изгирин уйнаб қолди. Худди шуни кутиб тургандек, болалар дарҳол иссиқ, қишқи кийимларга бурканиб олишди. Ғамхур отоналар ширинтойларни шунчалар яхши қуришар эканки, улкамизга биринчи қор ёққан кун худди болаларнинг байрамга ухшаб кетди: (ҳар ким узига хос либосда). Қишга бундай тайёргарлик учун меҳрибон отоналарингизга «рахмат» айтди-гизми-йўқми, азиз болажонлар?! Қаранг, уларни узларини эмас, сизларни уйлашаркан доим. Курдингизми, эътибор бердингизми? Урнак олдингизми? Бир

кунли келиб, сизлар ҳам узингиздан кичкина яқинларингизни уйлаб, уларни меҳр қанотингиз остида асрашни кунглингизга тугиб қуйинг. Чунки олимларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, келаси асрда об-ҳаво кескин булар экан.

Варшава университети ҳамда Метереология ва сув ҳужалиги институти олимларининг башоратига қараганда, 2001, 2054, 2247 ва 2492 йилларда қиш анча қаттиқ келаркан. Аксинча — 2151 ва 2360 йилларнинг қиш ойлари иссиқ келиб, ер юзи аҳолиси чиллада ҳам қуйлакчан юрса ажабмас. 2027, 2138, 2218 ва

Идрок

2487 йилларда сизу бизнинг келажак авлодларимизни иссиқ анча уринтириб қуяди, шекилли. Халқимизда «ёз-ёпинчигини куйма», деган гап бор. 2078, 2168, 2257, 2347 ва 2435 йилларда ёз салқинроқ эмас, умуман совуқ келаркан. Хали у кунларга анча бор, лекин ана шу йилларда неvara, чевараларимиз нима еб, нималар кийишини олимларимиз ҳозирдан уйлаб, тайёргарлик қуришаётир. Сиз билан биз эса асримизнинг сунгги икки йили баҳорлари совуқроқ келса, қиш қузилиб кетди, деб нолимасак, келатган 1998 йилнинг мул-қул ёмиридан унумли фойдалансақ, бас!

Оммабоп нашрдан таржима


Мен дадажонимни жуда яхши кураман. Чунки, дадажоним узлари яхши одамлар-да. Ҳаммага меҳрибон, меҳмондуст. Лекин ичиб келганларида шунақанги қурқинчи булиб кетадиларки!.. Агар ушанақа вақтларда жанжал кутарсалар ҳаммамиз қурқиб қушнимизнинг уйига бориб яшириниб оламиз...

Кеча уйимизга Алишер амаким меҳмон булиб келдилар. Дадам оқдан олдин амакимни ҳам ароқ ичишга таклиф қилдилар. Алишер амаким эса «Йуқ, Раҳмат ака, қуйинг, менга ичиш мумкин эмас. Житарим касал. Соғлигимга тўғри келмайди», деб дадам қанча зурласалар-да бир қултум ҳам ичмадилар.

Шунда дадам арақни жаҳл билан сеппиб юбордилар-да «Э, қуй-е, гапирма-е, ичмаган эркак ҳам эркакми, ундан кура қара, мана биззи



Катталар болалар нигоҳида



Фарҳод синфдош уртоғи билан ниманидир гаплашиб бораркан, рупарасида унга томон йиғлаб келатган синглисини куриб тухтаб қолди.

— Ҳа, нима булди? — дея суради, синглиси етиб келгач, хавотир билан.

— Қудрат урди, — деди, хунграб йиғлаётган қизча.

— Қайси Қудрат?

— Ҳалиги, синфимиздаги кузи катта-катта бола бору, уша.

КЎНГИЛНИ
СИНДИРГАН СЎЗ

Ота-оналари эрта улиб кетишгани учун эндигина олтинчи синфда уқийтган булса ҳам Фарҳод узини купинча катталардек тутарди. Синглиси учун ҳам у ёлғиз паноҳ, ишонган нажоткор эди. Ҳозир ҳам синглисини куриб юраги эзилди.

— Бупти, сен уртоқларингнинг олдига боравер. Мен узим гаплашиб қуяман, аммо йиғламагин буптими?

Синглиси бироз энгил тортиб уртоқлари томон кетди. Фарҳод эса қиз болани урган уша зуравоннинг таъзирини бериш учун уни излашга тушди. Топди ҳам. Болалик эмасми, қасд олиш фақат қул кучида қуринади, синглисини бошқа урмаслигини ўқдириб, бир-икки шапалоқ тортиб юборди...

Эртасига Фарҳодни мактабнинг илмий булим мудирини уз хонасига чақиртирди...


— Нега Қудратни урдинг? — дея удагайлади ёши элликлдан ошиб қолган домла. Фарҳод бунақа муомалани кутмагани, шунинг учун дудукланди:

— Мен... унинг узи... синглимни...

— Бас қил ёлғонингни. Агар Қудратнинг отаси билиб қолса, сени нима қилишини биласанми?

Фарҳод домлага қаради-ю, беихтиер ёш тулди. Аммо ҳеч нарса демади. Отилиб ташқарига чиқиб кетди.

Фарҳод эса панароқ жойга бориб, хунграб-хунграб йиғларди. Ахир уша домла билдику менинг отам йуқлигини. Демак отаси йуқ болаларни уриш мумкин экан-да, — деган аламли фикр уни сира йиғидан тухтатолмасди.



Топдим жавобни...

Р. Альбеков

Моҳира КАРИМОВА

МЕНИНГ
ДАДАМ ЁМОН
ОДАММИ?

олтинчида уқийдиган ўғлимиз ҳам бир шишани кўрдим демайди», — дедилар.

Кейин менга ароқ қуйиб узатарканлар «Қани Ганишербой, олинг, ота угил. Энди узингиз бир ҳалолаб берасиз-да», — дедилар.

«Олинг той бола, олинг ота угил, амакийизга ичиш қанақа булишини бир курсатиб қуйинг. Ҳалигача билмас экан, шуринг кургур», — деб хоҳолаб қулганларича мени мақтаб кетдилар.

Шунда менинг кўз олдимга «Муштум» журналида ичувчи ароқхур амакиларни мазах қилиб чиқадиган қулгули суратлар келди. Унда азбаройи куп ичганидан бурнилари қизариб кетган амакиларни энг ёмон одамлар деб ёзишарди. Дадам эса менга нуқул яхши одам бул деб тайинлардиларку. Шунинг учун ёмон одам булишдан қурқиб «Йуқ, мен ҳеч қачон ичмайман», деб туриб кетдим.

«Ичмайсанми» деб бақирдилар дадам кузлари қонга тулиб. «Йуқ» деб бош чайқадим. «Ичмайсанми» даҳшат билан қичқирдилар. Яна секингина «Йуқ» дегандим, унда «мана сента, мана сента ичмасанг» деб юзимга кетма-кет икки тарсаки туширдилар.

«Э, Раҳмат ака, нима қилаяпсиз, эсингиз жойидами узи» деганча Алишер амаким дадамга ташландилар. Уйимиз қий-чув, туполонга тулиб кетди...

Оғриқнинг зарбидан олов чиқиб кетган юзимни силаганча, менин дадам ёмон одам экан, билмас эканман одамлар, дадамни ёлғондан мақташаркан» деган қарорга келдим-у, қароримдан узим қурқиб кетдим. Чиндан ҳам менин дадам ёмон одамми?

Ганишер ЭЛНАЗАРОВ,
Қашқадарё вилояти, Қамаша тумани

БУРГУТ

Қадри болалар! Ҳаммангиз қорли тоғларнинг, осмонупар чуққиларнинг султони бўлган булутлар ҳақида албатта, эшитган ва кўргансиз. Лекин бу ҳақидаги афсонадан кўпчилигингиз беҳабар бўлсангиз керак. Биз ҳозир мана шу қадимий афсонани сизнинг эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Ривоят қилишларича, қадим утган замонда бир қудратли шаҳаншоҳ ва унинг енгилмас, жасур угли бўлган экан. Шаҳзода тожу тахтининг бирдан бир меросхури бўлиб, салтанатга чиқдан ҳам муносиб тиришқоқ, ақлли, доно, зукко ва фаҳм-фаросатда ягона экан.

Подшоҳ углини жула яхши кўрар, ёнидан бир қадам ҳам жилдирмас экан. Угил воёга етиб, 18 га тулганида ҳеч бир подшоҳликда унга тенг келадиган баҳодир, чавандоз, мерган ва довжорак киши қолмабди. Хуллас, у жангу жадал бобида ҳам танҳо бўлиб, довруғи тилларда дoston экан.

Лекин подшоҳнинг бир ичи қора вазири бўлиб, у нукул шаҳзоданинг камолотига гайирлик билан қарар ва ҳар бир қадамида унинг пойини қирқишни уйларкан. Чунки вазининг ҳам шаҳзода тенги бир угли бўлиб, у шаҳзоданинг гирт тескариси — довдир, тарбиясиз ва сал эси паст бўлиб улгайибди. Шаҳзода кундан кун улгайиб, эл оғзига тушган сари вазининг кунглидаги ҳасад олови ҳам гуриллаб, дақиқа сайин аланга ола бошлабди. Ахийри маккор вазири Музаффор шаҳаншоҳ устига бир неча бор юриш қилган, аммо мақсадига етолмай қолган, ҳар гал мағлуб бўлиб юртига қайтган қушни мамлакатнинг аламзада подшоси билан тил бирик-

ҳасиз ҳар қандай куч-қудратга эгасан. Бу шармандали аҳволдан мени халос қил. Муъжизани қарангки, шаҳзоданинг муножоти уша заҳоти қабул бўлибди ва у кишанлардан халос

— Ие, шохлар қулимни тилиб кетса-чи?

— Нега тилади, қизим, ахир сен қулқопларингни кийиб оласан-ку.

— Йук, қулқопимни дарени

АФСОНАДАН АФСОНАГА

Диққат! Янги саҳифа.

Болалар!

Боболару момоларнинг ривоят ҳикоятлари афсоналар тарзида тилдан тилга ўтади. Шу сабаб улар янада умрини давом эттирса деган ниятда «Афсонадан афсонага» саҳифасини ташкилладик. Энг яхши саҳифа муаллифига Андижон вилояти «Камолот» жамғармаси бўлимининг икки кассетали магнитофон совғаси мунтазир.

бўлган озод ва мағрур қушга — Бургутга айланиб, зиндонни тарк этибди-ю, чуққиларида оппоқ қорлари ялтираб турган осмонупар тоғлар томон парвоз қилибди.

Айтишларича, уша шаҳар осмонидан ҳар йили Навруз кунини бир шиддаткор бургут муаллақ туриб қолар, миңораларга, дарвозаларга шох саройи ва бутун шаҳарнинг ҳусни-жамолига узининг уткир кузлари билан анча қараб турар, кейин эса узини газаб билан булутлар орасига уриб, олис-олисларга учиб кетаркан. Яна кўпчилик овчилар ва табиатшуносларнинг гувоҳлик беришларича, бургут мардлик ва жасорат, голибликни жуда ёқтирар, лекин сира-сира мағлубиятни кутара олмас экан.

Мағлуб бўлса узини қояларга, тоғ-тошларга уриб ҳалок бўлиши ҳам шундан экан.

ЎРДАК

Ҳаммангиз ўрдакни биласиз-а? Лекин унинг бир замон-

кийиб бормайман, йиртилиб қолади.

— Йиртилса нима қилибди, тикиб оласан.


— Ҳо, тикаман, деганимда бармоқларимга игна кириб кетса-чи, унда нима қиламан.

Бу савол-жавобларни эшитиб турган қушнинг қизи дарҳол бориб челақчада даредан сув келтириб берибди. Азбаройи хафа бўлганидан онаси Ягага индамабди.

Бир пайт иссиқ ноннинг хушбуй ҳиди ҳаммаёққа тарқала бошлабди. Тайёр бўлган иссиқ нонлардан икки донасини Яганинг онаси қушни қизга берибди. Қушни қиз бу нонларни оқи-зоқ қилиб ейиш учун даредан буйига йул олибди.

Қорни очиб кетган Яга ҳам онасининг олдида келиб:

— Ойижон, қорним роса очиб кетдим, менга иссиқ нон беринг! — дебди.



деб уришиб ташлабди. Ва шу заҳотиёқ оёғи сирганиб, сувга тушиб кетибди. Чиқаман деб харчанд уринмасин, фойдаси бўлмабди, бир пайт қараса қуллари қанотга, оёқлари эса галати бир ҳолатга кираётганини кўриб даҳшатга тушиб бақир-

моқчи бўлган экан, галати — худди урдакнига ухшаган «га-га» деган овоз чиқибди. Бу воқеани кўриб турган қушни қиз югуриб келиб: Яганинг онасига «Яга урдакка айланиб қолди» деб хабар берибди. Онаси ишонқирамай, сув буйига етиб келса, бир тумшуклари узун урдакча даредан юзида сузиб юрганмиш.

Онасини кургач, урдакча, яъни Яга «Га-Га», — деб қичқарибди. Будегани мен Ягаман — дегани экан.

Шу-шу урдак нукул бировни курса ҳам, ўз-ўзича ҳам «га-га» деб сайраб юрар экан...

Қиссадан ҳисса: Кимки ужар, тантиқ ва ялқов бўлса ҳолига вой.

ОТ

Отлар қадим-қадимдан инсоннинг содиқ дўсти, ёрдамчиси, таянчи бўлиб келишган. Қонли жанг майдонларидан фақат отларгина ўз-ўзларининг учқур тўёқлари ва бениҳоя фидокорликлари туфайли эгаларини соғ-омон олиб чиқишган. Ёвқур баҳодирларнинг, юрт ва эл озодлиги учун курашга чиққан толмас жангчиларнинг бирдан-бир ишонгани ҳам мана шу оти — сеvimли тулпори, учқурқанот дулдури бўлган. Бизнинг буюк бобокалонларимиз Гўрўгли султон, Авазхон ва Алпомишларнинг ҳам ҳар бир галабасида отларнинг хизмати кўришиб туради.

Келинг, бугун яна сизларга от ҳақидаги қадимий бир ривоятини сўзлаб берайлик.

Эмишки, қадимги подшоҳлар бир ҳикматга қаттиқ амал қилишаркан. Бу — «эр йигит тагидаги отини, белидаги қилчинини ва бошидаги тожини ўзи жон бермай туриб ҳеч қачон узгага бермайди», деган ҳикмат экан.

Ажам мулкани идора қилаётган бир ҳукмдорнинг таърифи беқиёс даражада зур бўлган бир оти бор экан. У отга бутун дунё шохларининг ҳаммаси харидор бўлиб, элчилар жунатишар, ҳукмдор уларнинг барчасига рад жавобини бериб қайтариб юборар экан. Кунларнинг бирида бу рад жавоблари нафсониятларига қаттиқ теккан подшоҳлар ҳаммаси келишиб, Ажам мулкани босиб олмоқчи ва қайсар, ориятли ҳукмдорнинг ҳам-

ма нарсасини, жумладан отини ҳам улжа қилиб олишмоқчи, узини эса банди қилишмоқчи бўлишибди. Уйлаган ниятларига етишибди ҳам.


Гуллаган, гузал шаҳарга ут қуйишибди. Ҳаммаёқни вайрон қилиб ҳазинадан уюм-уюм тиллолар ва бошқа бойликларни, у таърифи дунёга кетган, эгари гавҳар тошлар, дуру-марваридлар билан безатилган, жабдуқлари тиллодан бўлган учқур отни ҳам, қанчадан-қанча бегуноҳ кишиларни ҳам қул қилиб улжа сифатида олиб кетишибди. Бечора шохни эса баланд миноранинг кунграсига счилмайдиған кур тугун қилиб маҳкам боғлаб кетишибди.

Ҳанимлар кетаверишсин-у, энди гапни отдан эшитинг. Юзлаб кишилар ёрдамида зурга жиловланиб йулга солинган от Ажам мулканинг сарҳадларидан чиқаверишдаги довонга етганда оёқларини тираб туриб олибди. Юрт сарҳадидан бир қадам олдинга жилабди. Арқонларини узиб қутуриб кетибди-ю, ёнига яқинлашганини тешиб, улдириб, қунонам қочибдики, агар шамол бўлиб қувилганда ҳам унга ҳеч ким етолмайдиған даражада бўлибди. Саросимада қолган лашкарлар отни қувиб турт тарафга қараб югурибдилар. Бунини қарангки, зийрак от ҳам уларни чапгитиш учун бошқа йулдан қочган экан. Ҳазабланган босқинчиларнинг сардори ўз қушчиларига нима қилиб бўлса ҳам, отни топишни, йуқса уларнинг ҳаммасини қиличдан ўтказажанинги эълон қилибди. Биронга ҳам сипоҳчи қолмай, ҳаммаси ҳар томонга отни излашга тушибдилар. Пайтдан фойдаланган асирлар эса ўз юртларига қочиб кетибдилар.

Шум нияти узига йулдош бўлган босқинчиларнинг кўпчилиги қум буронлари туфайли ҳалок бўлибди. Қуллари ҳам ваҳшийлар қулида ҳалок бўлишибди, омон қолганлари эса шуқурлар айтиб ўз юртларига қараб йул олишибди.

Ана шундай қилиб бир отнинг садоқати, вафодорлиги ўз юртига бўлган беқиёс муҳаббати бутун бир халқни, элатни қулқудан ва хор-зорликдан сақлаб қолган экан.

**Абдуҳамид
АБДУҒАППОРОВ,
Тошкентдаги
Шарқшунослик
институтини 1-курс толиби**



тирибди ва ярим тунда шох ва шаҳзодага уйкудориси ичириб, шаҳар дарвозаларини ёв қушинларига очиб берибди. Шаҳзодани бир қуришни орзу қилиб юрган ганим подшоҳни қатл қилишни, аммо углини улдирмасдан тириклайин зиндонга ташлашни буюрибди. Уйқудан уйғонган шаҳзода узини зиндонда кургач, зиндонбандлардан бўлиб утган воқеаларни эшитиб, узини қаерга қуйишини билмасмиш. У азбаройи ориятдан, гурурдан нима қилишини билмай, кишанли қуллари билан занжирларни узиш учун тинимсиз ҳаракат қилибди. Лекин фойдаси бўлмабди. Унинг куз олдида отасининг, юртдошларининг қисмати утиб, узининг бу аҳволдан уялиб, юраги азобга тулибди ва она табиатга илтижо қилибди.

«Эй, қодир табиат, Сен шуб-

лар эркатой, тантиқ қизалоқ бўлганлигини ва ана шу тантиқлиги туфайли урдакка айланиб қолганлигидан беҳабар бўлсангиз керак-а?

Келинг, яхшиси бир бошдан ҳикоя қилиб бера қолайлик...

Қадимда бир қабила яшаб, утган экан. У қабилада бир аҳил оила бўлиб, у оиланинг яккаю ягона, инжиқ, тантиқ ва эркатой Яга исмли қизалоғи бўлган экан. Бир кун Яганинг онаси нон епмоқчи бўлибди ва узи хамир қораетиб Ягадан ноннинг бетига сепиш учун даредан сув келтириб беришини илтимос қилибди.

— Вой, — дебди, Яга ялқовлик билан эркаланиб, — сув оламан деб даредга тушиб кетсам-чи.

— Йук, қизалогим, уша ердаги дарахт шохларидан маҳкам ушлаб оласан, — деб онаси тушунтирибди.

— Ие, — дебди, жаҳли чиққан онаси: — «Ахир нон есанг чарчаб қоласан-ку, боз устига нонлар иссиқ, оғзинг қуйиб қолади, — дебди кесатик билан.

Онасидан аразлаган Яга эса яна бир жанжал чиқариш учун қушни қизнинг изидан даредга йул олибди. Келиб қараса, қушни қиз маза қилиб нон еяётган эмиш. У беихтиёр нонга қараб хурсиниб қуйибди. Шунда дугонаси «мана еяқол, Яга», — деб нонлардан бирини узатган экан, «йук смайман, узингга буюрсин», — деб унга бақариб берибди Яга ва чунқайиб даренинг лабига утириб олибди.

— Нарн тур, Яга, даредга тушиб кетасан-ку, ахир даред жула чуқур, оқизиб кетади», — дебди қушни қиз.

— Мен билан нима ишинг бор, тинч қуясанми-йўқми? ! Тушиб кетсам ажаб булади. Хуш, сенга нима керак ўзи? —

ШЕР ВА ТУЛКИ

Шер қариб, ҳайвонларни овлаб қорнини туйдиришга кучи етмай қолди. Шундан сунг у ҳийла ишлатишга қарор қилди. Форлардан бирига жойлашиб олди ва узини касал, деб эълон қилди. Энди у узини қургани келган ҳайвонларни тутиб ер эди.

Бир куни шерни кўргани тулки келди. У гор оғзи олдида тухтаб шерга салом берди.

— Аҳволингиз қалай, эй ваҳшийларнинг саййиди? — деб ҳол-аҳвол сўради.

— Эй тулки, сен нима учун горнинг ичига кирмаяпсан? — деди шер ажабланиб.

— Мен сизнинг олдингизга кирмоқчи эдим. Лекин ҳузурингизга кирган излар бору, орқага қайтиб чиққан изларни курмаяпман, — деди таъзим қилиб тулки.

Ушбу ҳикоятдан келиб чиқадиган маъно шуки, уйламасдан бирор ишга қул урмоқ, ҳар кимнинг бошига фалокат келтирмоқдан узга иш эмас.



БОЛА ВА САДО

Кунларнинг бирида Али урмонга сайрга чиқди. У кукаламзорда уйнаб юрар экан, олдида бир туду куш учиб утди. Али кушларнинг ортидан «Ҳо-хо-хо-о-о-й» — деб қичқирди.

ди. Бунга жавобан худди шундай овоз қайтди. Бу ҳолдан Али ниҳоятда ҳайратланди. Чунки у аксадонинг нималигини билмас эди-да. Али урмонда бир бола яшириниб олган булса керак, у менга ухшаб қичқирапти, деб уйлади.

Али ундан «Кимсан?» — деб сўради.

Садо ҳам «Кимсан?» — деб жавоб қайтарди. Алининг жаҳли чиқди. Овозининг борича «Сен аҳмоқсан!» — деб бақирди. Садо ҳам унга «Сен аҳмоқсан!» — дея қайтарди.

Бундан Али газабланиб, уни сука бошлади. Садо ҳам Алининг ҳақоратларини узига қайтарар эди. Шундан сунг Али ҳалиги болани излай бошлади. Ахир, у қандай болаки, Алини сукишга журъат этаётган экан? Болани топа олмаган Али, ниҳоят уйига қайтди, булган воқеани отасига айтиб, шикоят қилди.

— Урмонда бир бола яшириниб олибди, урмоннинг уртасига борганимда мени ҳақоратлай бошлади, — деди.

Отаси углининг бу гап-

ларини тинглаб туриб айтди:

— Уғлим! Сен урмонда акс-садодан бошқа нарсани эшитмагансан. Узинг уни сука бошлагансан. Акс-садо эса барча айтганларингни узингга қайтарган, бундан ажабланмагин. Албатта, кимки эшик қоқса, анинг жавобини эшитгайдир!

Бу воқеадан шундай хулоса чиқариш жоиздур: «Инсоннинг балоси тилидандур», — деган сўзлар бекорга айтилмаган.

Араб тилидан тенгдошингиз

Заҳириддин МАНСУР
таржимаси



АҚЛИ РОБОТ — РАҲБАР ЎРНИГА

Саноат роботлари ишлаб чиқарувчи заводда узини бошқарувчи ақли робот яратилган. Заводда қутилмаганда сирли ходисалар юз бера бошлади. Супервизор — уша ақли робот заводга раҳбарлик-


ни қулга олиб, ишни ҳарбий мақсадларга йуналтириб юборган эди. Уни тўхтатиши мумкин булган ягона куч ЭКО-35-2 роботидир.

ЧУВАЛЧАНГЛАР ЖАНГИ

Бир-бирини гажиб ташлашга тайёр булган икки — ҳар бирида тўрттадан чувалчанг бор гуруҳ жанг майдонида учрашади. Улар узларида мавжуд булган қуроллар: аждаҳо қиличи, гранаталар, динамит, оловли мушт, базука, арқонлар ёрдамида бир-бирларини йуқ қилишга киришадилар. Бундан ташқари чувалчанглар ерни қазиб кириб кетишлари, асир тушишлари, узларини улдиришлари ҳам мумкин.

БУШ УТИРМА

**ҚУЙИДАГИ
РАСМАЛАРГА
ДИҚҚАТ
БИЛАН РАЗМ
СОЛИНГ
ВА БИР-
БИРИГА
ЎХШАШ
ИККИТА
ЖЎЖАЧА
ТОПИНГ**



«СИЗНИ СОАТ ЧАҚИРАЯПТИ»

Бир болақайни ойиси койий бошлабди:

— Ҳой, уйга кир. Ана акангни қара, кеча офтоб урувди, мана энди турулмай етибди.

— Акамни урган офтобнинг пачогини чиқараман, қани узи? — дебди болақай.

Бир имомнинг уч яшар уғли ҳовлида ашула айтиб юрганмиш:

— «Уйнамайди-қулмайди, акасининг қадрин билмайди».

Шу пайт имом келиб қолибди: — Ҳа, ҳой, нима деяпсан? — деса, уғил отасига угирилиб:

— Ла илоҳа иллаллоҳ, ла илоҳа иллаллоҳ, — дермиш.

Маҳмуджон уйига соат келтирибди. Соат азон айтarkan. Маҳмуджон намоз уқиркан. Бир куни соат бомдолга азон айта бошлабди.

Дадасининг турмаётганини куриб, қизчаси ҳайрон булиб:

— Ада, туринг, сизни соат чақираяпти, — дермиш.

**Асқар РАҲМОН,
Тошкент шаҳридаги,
40-мактабнинг,
4-синф ўқувчиси**

Бугун сиз севган «Тонг юлдузи» газетаси таҳририятида меҳмонда эканмиз, барчангизнинг иссиқ меҳрингиз, покиза кўнглингиз тафтини сезиб турибмиз. Бугун сиз «Тонг юлдузи»ни қанчалик

Ассалому алайкум, азиз болалар!

қадрлаб, ардоқласангиз, биз ҳам сизнинг ёшингизда унинг саҳифаларида чоп этилган қизиқарли мақолаларни жондилдан мириқиб ўқир, ўзи-

**«Олла ва жамият» газетасига
езилишга шошилинг!
Обуна индекси 176
Ташкилотлар
учун 177**

миз ёзган шеърлар, ҳикояларни жўнатар эдик. Биз ҳали-ҳамон ўша дамларни соғинч билан эслаймиз. Болалик инсон ҳаётининг энг гўзал дав-

ри экан. Шу туфайли болалигингиз янада ҳузурлироқ, завқли ва файзлироқ ўтишини Худодан сўраб қоламиз. Сизларни севгучи акангиз

**Муҳаммад ИСМОИЛ,
«Олла ва жамият»
газетаси бош
муҳаррири**

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ,
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚҲИТИСИ

Бош муҳаррир: Умида АБДУАЗИМОВА
Таҳрир ҳайъати:

Муртазо СУЛТОНОВ, Жаббор РАЗЗОКОВ, Гулнора
ЙҮЛДОШЕВА, Шермат ЁРМАТОВ, Хотам АБДУ-
РАИМОВ, Муқимжон КИРҒИЗБОЕВ, Дадахон
ЁҚУБОВ, Исфандиёр ЛАТИПОВ, Юсуф
ШОДИМЕТОВ, Феруза ОДИЛОВА.

ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Оффсет усулида босилди. Ҳажми 1 босма табоқ. Буюртма — Г-0592. 10960 нусхала босилди. Қўғоз бичими — А-3. Босишга топширилган вақти 19.00. Топширилди — 18.30.

• Руйхатдан ўтиш тартиби № 000137
• Манзилимиз: 700083, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
• Нашр курсаткичи: № 64563
• Телефон: 1-33-44-25

